

АППЛИКАТИВ МОДЕЛЬ ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ УСУЛИ СИФАТИДА**Рустам Дўсёрович Самандаров**

PhD, СамИСИ, “Тилларни ўқитиш” кафедраси мудири

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тилшуносликда моделлаштириш, хусусан аппликатив модел ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Ишда аппликатив моделнинг трансформация ва деривация жараёнлари билан боғлиқлиги ҳамда фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган. Мақолада келтириб ўтилган ясама сўзларнинг аппликатив модел билан ҳосил бўлиш жараёнлари лексик деривацияда операнд, оператор ҳамда аппликатор атамалари мисолида амалий жиҳатдан мисоллар орқали таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Аппликация, аппликатор, релятор, операнд, оператор, генотип, фенотип, дистрибутив модел.

THE APPLICATIVE MODEL AS A METHOD OF LINGUISTIC ANALYSIS**Rustam Dusyorovich Samandarov**

PhD, SamIES, Head of the department of “Teaching Languages”

ABSTRACT

In this article, is discussed about modeling in linguistics, in particular about the applicative model, its specific features. The study also analysed the relationship and various aspects of the applicative model with the processes of transformation and derivation. However, the article considers the formation of derived words by the applicative method, operand, operator and applicator terms in lexical derivation on the basis of examples.

Keywords: Application, applicator, relator, operand, operator, genotype, phenotype.

КИРИШ

Тилшуносликда моделлаштириш хусусан, аппликатив модел ва унинг хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. Моделлаштириш, кўпгина

тилшуносларнинг фикрича, лингвистик матн тадқиқотининг энг самарали усулларида биридир. “Объектни билиш - деб ёзади И.Б.Новик - уни моделлаш демакдир”. Кенг, умумий когнитив маънода моделлаштириш билиш жараёнининг маълум бир умуминсоний жиҳатини” ифодалайди. Шунга кўра, ҳозирда тилшуносликда трансформацион модель, бевосита иштирокчилар модели, шунингдек, дистрибутив моделга таяниб амалга оширилган ишлар сезиларли даражада. Шу билан бирга, трансформацион модель сингари яратувчанлик ҳамда синергетик кучга эга бўлган апликатив модель доирасида олиб борилган ишлар тилшуносликда ўз тадқиқотини кутиб турган масалалардан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Апликатив модел бир қатор психолингвистик хусусиятларга ҳам эга. Айрим олимларнинг фикрича, апликатив модель занжирсимон боғланишга таянади. Аммо, шундай бўлса-да, апликатив модель ҳам боғланиб келувчи занжирлар билан, ҳамда комплекс бирликлар билан иш кўради. Бунда занжирларнинг тузилиши фенотип (ташқи кўриниш), мажмуаларнинг структураси эса - генотип (бирликларнинг қурилиши, конструнцияси) ни ҳосил қилади. Бундай қарашлар С.К.Шаумян ва П.А.Соболевалар апликатив яратувчи моделда берилган материал таҳлилида учрайди.

Бу сингари фикрларни А.А.Леонтьевда ҳам учратамиз. Олим икки турдаги объектларни - лингвистик (генотипик) ва нутқий (фенотипик) яратувчанликни қайд этади. Шулардан биринчиси комплекс деб аталади. “Комплекс - бу тартибга солинган элементларнинг тўпламидир”.

Апликатив моделнинг асосий вазифаси тўғри комплексларни ва комплексларнинг тўғри трансформациясини яратишдир. Ушбу модель доирасидаги ўзгаришлар Чомскийдагидек белгиланмайди, [6] балки ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоб икки босқичда олинган жумлалар тўпламларига асосланади: биринчиси, синфлар тўпламини олиш, иккинчиси, ушбу тўпламга маълум чекловлар қоидаларини қўллаш.

Шуни ҳам айтиш керакки, универсал характерли генотипик тилнинг абстракт материалига татбиқ этилган апликатив модел бирор бир конкрет тилни назарда тутмайди, балки барча тиллар учун умумийдир. Мазкур қоидаларни конкрет тил материалда қўллаш лозим бўлганда, ярим абстракт ҳолатдаги алоҳида генотипларга мурожаат этишга тўғри келади. Масалан, ўзбек тили генотипи, рус тили генотипи, инглиз тили генотипи ва ҳ.к.

НАТИЖАЛАР

Аппликатив моделнинг муайян тиллар материалида қўлланилиши ҳар бир тилнинг ички қонун - қоидаларига, уларда қўлланувчи аппликаторлар характерига боғлиқ бўлади. Жумладан, агглютинатив тилларда аффикслар, кўмакчи ва боғловчилар муҳим аҳамият касб этса, аналитик тилларда феъл шакллари, боғловчи, предлог, ёрдамчи феъллар каби морфологик воситалар катта мавқега эга бўлади.

Таъкидлаш жоизки, қурилмалар икки хил йўл билан ҳосил бўлади:

1. қурилмаларнинг аппликацияси;
2. қурилмаларнинг трансформацияси.

Аппликатив модель тўртта ўзаро боғланган моделларни (генераторларни) ўз ичига олади:

- 1) мавҳум генератор;
- 2) сўз генератори;
- 3) жумла генератори;
- 4) трансформацион генератор;

Аппликатив моделнинг яратувчанлик (порождающая) кучи содда объектлардан мураккаб объектларнинг шаклланишида намоён бўлади. Айнан ана шу нарса уни мустақил лингвистик назария тарзида белгилашга имкон яратади. Мазкур моделнинг тавсифи учун П.А.Соболеванинг сўз ясалишини моделлаштиришга бағишланган илмий иши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф мазкур ишида аппликатив модел моҳиятини имкон қадар содда тилда изоҳлаб беришга ҳаракат қилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, аппликатив модел қўлланилган ҳар қандай объект деривация маҳсулини тақозо этади. Жумладан, сўз ясалиши ҳам ана шундай хусусият касб этади: *ишчи, қаламдон, бозбон ва ҳ.к.*

Келтирилган мисолларни биз деривацион нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, *иш* – операнд, *-чи* – оператор, ҳосил бўлган структура эса (*ишчи*) дериват саналади.

Бунда шуниси характерлики, ўзак дастлабки операнд (деривация хом-ашёси), реляторлар эса (аффикслар) оператор вазифасини бажаради. Айни пайтда деривацияни воқелантирувчи бирдан - бир восита аппликация саналади. Аппликация деганда, бу ўринда реляторларнинг асосга боғланиши тушунилади.

Лингвистик жиҳатдан аппликатив генератив модель трансформацион ва БИ моделлардан айрим жиҳатларгига кўра фарқ қилади. Унда икки хил операциялардан фойдаланилади: аппликация ва трансформация.

МУҲОКАМА

Аппликация объектларни шакллантириш учун, трансформация эса уларнинг инвариант ўзгариши учун ягона қоидадир. Қуйида аппликатив аппаратни батафсил кўриб чиқайлик. Ушбу моделда ишлатиладиган белгилар алифбоси идеал асосларнинг тўртта синфи рамзларидан иборат:

	N	V	A	D
N	O	-	-	O
V	VN	O	O	-
A	AN	O	O	-
D	O	DV	DA	O

N - (уй, балиқ, ойна каби туб отларнинг таянч синфи сифатида талқин этилган),

V- (бормоқ, ўтирмоқ каби феълларнинг асос синфи сифатида талқин қилинган),

A- (оқ, катта каби сифатларнинг таянч синфи сифатида талқин этилган) ва D - (ортда, олдинда каби равишларнинг таянч синфи сифатида талқин этилган).

Буни мисолларда қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- 1) *тинч* R_3V – феъл сифатнинг позициясида (R_3O – туб сифатни тақозо этади);
- 2) *гулли* R_3N –от сифатнинг позициясида;
- 3) *ошназ* R_2N –от отнинг позициясида (R_2O – туб отни тақозо этади).

Композицион йўл билан ясалган сўзларда бу қуйидагича ифодаланади:

- 1) *музёрап* R_3NV – от ва феъл сифат позициясида;
- 2) *ойболта* R_2NN - от ва от отнинг позициясида;
- 3) *қўқсултон* R_2AN сифат ва от отнинг позициясида.

Кўринадики айни пайтда аппликатив моделда икки операция фаоллик кўрсатади: аппликация ва деривация. Сўз ясаши ҳодисаси ҳам деривацион жараён доирасида вужудга келади ва шу боис аппликатив модел қўлланилишини лекик деривация назариясининг ҳам асосий усулларидан бири сифатида ўрганамиз.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, лексик деривацияда аффиксларнинг мавқеи катта эканлиги изоҳ талаб қилмайди, зеро, аффикслар сўз ўзаги ёки негизига қўшилиб келиб, уни иккинчи сўз билан боғлайди ва натижада деривацион жараён келиб чиқади. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай аффикс ҳам бундай хусусиятга эга бўла олмайди. Айрим аффикслар ҳар доим

ҳам аппликатор вазифасини бажаравермайди. Бу ҳақда мулоҳаза юритганида *тўсатдан* сўзига муражаат қилсак, сўзнинг *тўсат*- қисми ҳам, - *дан* аффикс қисми ҳам айни пайтда ҳеч қандай маъно англатаётгани йўқ. Шу боис мазкур сўзни фақат яхлит ҳолда олганимиздагина, ҳолат равиши маъносини ҳис этишимиз мумкин. Ана шундан келиб чиқиб, бу ўринда - *дан* аффиксини аппликатор тарзида изоҳлай олмаймиз. Чунки - *дан* аффикси ўзи тиркалиб келаётган сўзни кейинги сўз билан боғлаш учун хизмат қила олмайди. Аппликатор мақомида келувчи аффикслар эса бу жиҳатдан анча фаол ҳисобланади. Фикримиз далилини қуйидаги мисолларда кўрамиз: *тўсатдан* (*аппликатор ногла тенг*); *серунум* (*сер - аппликатор*).

Аппликатив моделнинг мантиқий тузилишининг ўзига хослиги шундаки, унда яратувчанлик жараёни икки хил даражада - конструкциялар даражаси ва кузатиш даражасида юзага келишида намоён бўлади.

Яратувчанлик жараёни идеал объектларни (сўз ва жумлаларнинг конструктив аналогларини) ажратишдан бошланади. Улар яратувчанлик жараёнининг иккинчи босқичида муайян интерпретацион қоидалар ёрдамида том маънода муайян тилнинг сўзлари ва жумлаларига айланади. Хом ашёси идеал объектлар бўлган, яратувчанлик механизми интерпретация қоидаларига бўйсунмаган ҳолда ишлайди. Идеал объектлар ўзида муайян тилнинг род, сон, келишик, эгалик, шахс-сон, замон ва бошқа грамматик категорияларини акс эттирмайди. Бу ва шунга ўхшаш категориялар фақат моделни интерпретация қилиш жараёнида пайдо бўлади. Шунинг учун, идеал жумлаларни шакллантириш учун идеал сўзлар ва қоидалар билан механизмнинг ўзи ёки у томонидан яратилган идеал объектлар тўплами идеал тил сифатида қаралиши ва бу типологик таққослашлар учун воситачи тил сифатида ишлатилиши мумкин.

ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, деривация ҳодисаси воқеланишининг асосий механизмларидан иккинчисини трансформацион модел ташкил этади. Бироқ аппликатив ва трансформацион моделлар ўртасида жиддий фарқ мавжуд бўлишига қарамай, улар муайян нутқ муҳитида ўзаро кесишишлари ҳам мумкин. Бундай вазиятда аппликатив модел ўзининг юқори чўққисига кўтарилган бўлади. Шу билан бирга, аппликатив моделнинг трансформацион модел билан кесишуви жараёнида ҳали изоҳталаб, тадқиқталаб масалалар мавжудлиги кўзга ташланади. Айниқса, аппликатив

моделнинг синергетик кучини илмий ўрганиш масаласи, назаримизда, ғоят муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы и порождение речевого высказывания / А.А. Леонтьев. - Изд. 3-е. - М., 2005. С.116.
2. Новик И.Б. О моделировании сложных систем. – М., 1965. – С.300.
3. Шаумян С.К., Соболева П.А. Аппликативная парождающая модель и исчисление трансформаций в русском языке. – М., 1963, – С. 35.
4. Шаумян С.К. Структурная лингвистика / С.К. Шаумян - М. 1965. С.184.
5. Chomsky N. Aspects of the theory of syntax / N. Chomsky. – Cambr. (Mass.): MIT, 1965. – X. – P. 251.
6. Chomsky N. Language and mind / N. Chomsky. – Enlarged ed-n. – N.Y. etc.: Harcourt Brace Jovanovich, 1972. – XII. - 194 p.